ИСЛОҲОТ

# ҲАР БОҒНИНГ ЭГАСИ БЎЛСИН

***Ҳар бир мевали боғ, токзор ижарага берилса, у эгалик бўлиб, мўл-кўл ҳосил олиш мумкинлигини кейинги йиллар тажрибаси яққол исботлади. Афсуски, бунга айрим туман ва хўжаликларда ҳанузгача етарли эътибор берилмаяпти.***

Мирзачўл туманидаги 638 гектар боғнинг атиги 24 гектари, 84 гектар токзорнинг бор-йўғи 19 гектари, Қизилтепа туманида эса 872 гектар боғнинг фақатгина 187 гектари, 954 гектар токзорнинг эса 313 гектари ижарага берилганлиги қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг ғоят муҳим масаласига панжа орасидан қараб келинаётганлигини кўрсатади. Бундай жиддий камчилик ва нуқсонларга Охунбобоев, Нарпай, Пешку, Ғузор, Учқўрғон туманларида ҳам йўл қўйилмоқда. Чунончи, Учқўрғон туманида бирор гектар ҳам боғ ва токзор ижарага берилмаган, Ғузор туманидаги М.Ҳасанова номли ширкат хўжалигида бир гектар токзорнинг ижара ҳақи кам миқдорда - 6 минг сўм қилиб белгиланган. Ана шу далиллар ҳар қандай кишини ажаблантириши табиий.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш республика комиссиясининг яқинда ўтказилган мажлисида бу борада муайян натижалар қўлга киритилаётганлиги таъкидланиши билан бирга юқорида қайд этилган камчиликлар тилга олинди. Бош вазир ўринбосари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири – Агросаноат комплекси раҳбари Т.Холтоев раислигида ўтказилган ана шу йиғилишда 2000 йилги иш якунлари атрофлича таҳлил қилиниб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш йўллари белгилаб олинди ҳамда республика комиссиясининг 2001 йил иш режаси тасдиқланди.

**Ўз мухбиримиз**

# ТЕХНИКАГА МУНОСАБАТ ШУМИ?






**Ҳар бир соҳада эртанги қилинажак ишлар учун бугун пойдевор қўйилади. Деҳқон ҳам бундан мустасно эмас. Шу боис бугунги қилинаётган ишлар рисоладагидек бўлиши лозим.**

**Хўш, Навоий вилоятида эртанги ишларга қандай тайёргарлик кўрилмоқда. Шу мақсадда Қизилтепа туманининг Алишер Навоий номли, "Меҳнат-роҳат" жамоа хўжаликларида, "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида бўлдик. Афсуски, мазкур хўжаликларда аҳвол ачинарли. Машина-трактор паркларида қишлоқ хўжалик техникалари қаровсиз аҳволда. Уларга зарур бўлган қисмлари эса, сочилиб ётибди. Бу аҳволнинг сабабини сўраганимизда, эҳтиёт қисмларининг етишмаслигини рўкач қилишди.**

**Вақт кутиб турмайди. Эрта-индин қишли-қировли кунлар тугаб, баҳорги экин-тикин ишлари бошланади. Аммо, бугунги аҳвол навоийлик деҳқонлар ишига путур етказмасмикин?**

**СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номли, "Меҳнат-роҳат" жамоа хўжаликлари ва "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидаги машина-трактор паркида бўлсангиз қишлоқ хўжалик техникаларининг қаровсиз аҳволда ётганлигига дуч келасиз.**

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2000 йил 30 ноябр сонида "Нав танлашда янглишмайлик" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Унга Хоразм вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари И. Собировдан жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:***

"Газетада эълон қилинган мақола вилоят қишлоқ ва сув

# "НАВ ТАНЛАШДА ЯНГЛИШМАЙЛИК"

хўжалиги Бошқармасида туман, хўжалик раҳбар ва мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳақиқатдан ҳам вилоятнинг айрим туман хўжаликларида нав жойлаштиришда ва чигит сарфида камчиликларга йўл қўйилган. Мақолада кўрсатиб ўтилган Гурлан туманидаги И.Холметов номли ширкат хўжалиги меъёрдан 2,5 баробар кўп миқдорда чигит сарфлаган. Бу билан хўжалик иқтисодига катта зарар етказилди. Нав жойлаштиришда камчиликларга йўл қўйгани ва ортиқча чигит сарфлагани учун Янгибозор тумани хўжаликларидаги қатор бошқарув раислари вазифаларидан бўшатилди.

Гурлан, Қўшкўпир ва Хива тумани бошқармаси бошлиқларига огоҳлантириш эълон қилинди. Гурландаги И.Холметов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси эса лавозимидан озод қилинди.

Келгусида юқорида кўрсатилган камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун қатор амалий тадбирлар белгиланди.

# ЮЗИ ЮВИЛМАГАН "ҒОЛИБЛАР"

**(Боши 1-бетда)**

Улардан 13 нафари юқори кўрсаткичларга эришиб, 2 нафари иккинчи босқич мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Тозаликка риоя қилмасликда, ободонлаштириш ишларига панжа орасидан қарашда ғолиб деб топилган Лойиш истироҳат боғи директори С.Ўроқов, деҳқон бозори директори А.Бурманов ҳамда "Сувоқ" корхонаси бошлиғи Т.Раҳимовлар фахрли иккинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Ғолибларга 12250 сўмдан жарима тўлаш ҳақидаги мукофот ёрлиқлари топширилди.

"Оқдарё" оромгоҳи директори Р.Болиқулов, бизнес мактаби директори Б.Жонузоқов, "Стомотолог"лар хонаси бошлиғи О.Ҳамидовлар ҳам мусобақада фаол иштирок этдилар. Натижада уларнинг ҳар бири 8750 сўмдан тўлов шартларини бажаришга мажбурий тартибда таклиф этилдилар. Марказий шифохона лабораторияси мудираси М.Ҳабибовага ҳам 7350 сўм жарима тўлаганлиги учун учинчи ўрин ҳадя этилди. Ветеринария лабораторияси лаборанти Б.Кўбаев эса бу ўринга даъвогар бўлиб қолди. Ҳар бири 5250 сўмдан жаримага тортилган нон комбинати ходимлари У.Ражабов, А.Қаршиевлар рағбатлантирувчи мукофотлар билан сийландилар.

Шуни ғурур билан айтган ярашадики, фахрли биринчи ўрин қишлоқ хўжалик ишларида ёрдамга келган ҳашарчиларни яхши шароитлар, жумладан, иссиқ, ораста ётоқхоналар, тоза ичимлик суви билан таъминламаганлиги учун А.Қодирий номли жамоа хўжалиги раиси С.Омоновга мутлақ ғолиб сифатида инъом этилди. Туман прокуратураси ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъатининг таъкидлашича, мутлақ ғолибнинг моддий жиҳатдан тўлови ҳам анчагина салмоқли бўлди: 19600 сўм! Қувончлиси шундаки, биринчилик шоҳсупасидаги раис бобо энди вилоят миқёсида ўтказиладиган беллашувда оқдарёликлар шарафини ҳимоя қилади.

Туман бўйича 185 мусобақачидан жами 678600 сўм жарима ундириладиган бўлди. Бугунгача шу сумманинг 533500 сўми давлат кассасига туширилди. Ғолибликка даъвогар 134 катта-кичик корхона фаолияти тўхтатилди, 80 нафар иштирокчи ишдан четлатилди.

Мусобақа якунлари туманда раҳбар кадрлар, тадбиркорларнинг санитария-эпидемиология талабларини бажармасликда устаси фаранг бўлиб бораётганлигидан далолат беради, албатта. Якуний йиғилишда ушбу йилда ҳам тозаликдан қочиш шиори остида мусобақа ўтказилишига келишиб олинди.

Сизга омад ёр бўлсин, юзини ҳам ювишга эринадиган Қимматнинг ҳафсаласиз авлодлари!

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

СИЙРАТ

***Болалигимизда бир танти ўйинимиз бўлар эди. Бу кўпинча қиш кунларида – сандал теварагида уч-тўрт тенгдош ёки тўрт беш ака-уканинг даврасида ўйналарди.***

# МУСАФФОЛИК

**Ҳар ким ўз навбати билан иккала қўлидан бирининг кафтлари орасида бирор ширин егулик-ёнғоқми, пистами, майизми, борингки, ғўлинми яшириб иккала қўлини ҳам муштини маҳкам қисганча, сизга кўрсатиб турарди. Сиз яширинган нарса қайси қўлнинг орасида эканлигини топишингиз лозим. Топиш муддати бирдан то ўнгача санаш оралиғи деб белгиланарди. Тўғри топсангиз, кафтлар орасидаги нарса беминнат сизники бўларди. Борди-ю ўнгача саналгунча тополмасангиз, яширган киши дарҳол кафтини очиб кўрсатарди. Тополмаганлигингизнинг исботи аниқ бўлгач, у нарса тағин яширган кишининг ўзида қоларди.**

**Негадир қиш кунларининг бирида мен ўша ўйинни эсладим. Ҳатто, кечқурун туш кўрибман. Тушимда "Ким топоғон" ўйини ўйнаймиз дермиш болаликдаги дўстларимдан бири. Таклифга бошқалар ҳам қўшилишди. Ҳовлимиз бурчагидаги иссиқ айвон остида ўйнашни мўлжал қилдик. Ҳар ким ўз уйидан ул-бул олиб келгани кетди. Атроф бизга бепарво, катталар рўзғор юки билан овора эдилар.**

**Назаримда одамлар ниманидир соғинган, нимадир интиқ кутаётгандек туюларди. Уларга қишнинг бироз қуруқ келганлиги татимаётган эди, шекилли. Атрофга оппоқ мусаффолик етишмаётгандек кўринарди. Нима у – мусаффолик? Рости ўша мусаффоликни барча орзиқиб кутди, чор атроф зориқиб кутди. Уни табиат кафтлари орасида яшириб тургандек эди. У зориқтирди. Одамларнинг юраги баттар ғашлик тортди. Қўшиқ айтамиз, деди кимдир. Кимдир эса тўхтатди – керак эмас! Қайсидир хонадондан аёллар овози келди: "Туринглар, рақсга тушамиз". Кекса момо буни ҳам рад этди. "Ичамиз" деди кимдир аламзада ҳолатда. Мулоқотни эшитиб турган табиат сесканиб тушди. "Ичкилик мусаффоликка аралашмасин-да". Тезроқ топақолишса эди... Йўқ, топишолмаяпти, ўзим ҳам зерикяпман деган нидо келгандек бўлди. Бу она табиат нидоси эди. Наҳотки, унитишган бўлса?! Ўнгача санайман. Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, ... Шу чоғ мўъжиза юз берди, мўъжиза! Бир гала совуқсевар қушлар одамлар устидан сал баландроқдан учиб ўтди. Қар-ррр, қар-ррр, қар-ррр...**

**Кимдир чапак чалиб юборди. Қор ёғади эртага, қор... Табиат қувонди. Топишди, топишди... У бўғзида қолган тўққиз рақамини санамади. Кафтларини очиб юборди. Тонгданоқ бир аломат қор ёғди, бир аломат... Еру-кўкни мусаффолик эгаллади. Одамлар қалбидан ғашлик тарқалди... Ҳамма биринчи қор томошасига чиқди. Кимлардир шивирлаб, кимлардир эса баралла шукрона айтди...**

**...Ушбу битикларни табиатнинг хуш инъоми – оппоқ қор учқунлаётган кезда ижодхонам деразасидан мафтун боқиб ёздим. Руҳим тоза эди, қалам енгил юрарди. Атроф шодиёнага ғарқ. Янги йилнинг биринчи ойи ҳам ўтиб боряпти. Миямда бўлажак воқеаларга мос ва хос ўй кечарди. Назаримда энг эркпарвар, энг халқчил йўлни юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида биргалашиб топдик. Чунки, биз истиқлолни ўнгача санаб эмас, узоқ йиллар сабр-тоқат билан кутиб топдик.**

**...Биз ўзбеклар кенгликка ўрганган халқмиз. Шукрки, ҳозир ана шундай бир учинчи авлод ўша кенгликларда тўшини яйратиб яшамоқда. Ҳукумат марҳамати, юртбошимиз саҳовати билан берилган оша-тоша етарли уй-жой шароитларининг кўпчилигида аллақачон ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Кўплар бу жойларда чиройли иморатлар қураяпти. Рўзғор экинлари экиб тўқ яшаяптилар. Чорвачилик билан шуғулланяптилар. Кайфиятлар кун оша кўтарилиб боряпти. Халқимиз ҳозирги ички ва ташқи сиёсатдан, юртбошимиз Ислом Каримов саъй-ҳаракатларидан миннатдорлар. Бу кайфиятни матбуотдан, Президентимиз номига оқиб келаётган минглаб миннатдорчилик мактублардан ҳам билса бўлади. Уларни асосан оддий халқ вакиллари, рўзғор бекалари, оила устунлари ёзяптилар.**

**Ҳа, мустақиллигимиз ўн ёшга қадам ташлади. Ўн йиллик терак устун қилишга яроқли бўлади. Биз юртбошимиз бошчилигида қилинаётган савоб ишларимизнинг ниҳояси йўқ, фаровон рўзғорлар кун сайин кўпаймоқда.**

**Ж. ДИЛМУРОДОВ**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# МЎЛ ҲОСИЛ УРУҒДАН БОШЛАНАДИ

***Маълумки, 2000 йил 23 октябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан "2001 йил ҳосили учун ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ҳамда навларни янгилашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилинди. Эндиликда сувсизликка ҳамда касалликка чидамли, тола сифати юқори бўлган, серҳосил ғўза ва бошқа экинлар навларини яратиш асосий вазифалардан бири бўлиб турибди.***

Ўтган йили сув танқислигидан ўсимлик муҳити анча мушкул аҳволга тушиб, кўп навларда мева тугунчалари тўкилиши тезлашди. Сақланиб қолган кўсаклар вазни 20-40 фоизга камайди. Аммо, баъзи навлар сув танқислигига қарамасдан юқори ҳосил берди.

Шуни эътиборга олиб, пахта толасига жаҳон бозори талаблари билан бир қаторда, 2001 йил ҳосили учун ғўза навларини жойлаштиришда навларни сувсизликка чидамлилиги ҳам ҳисобга олинди. Дунё бозорида рақобатбардош бўладиган ғўза навларининг экин майдони кенгайтирилди. Масалан, "Омад" ғўза нави 2000 йили 5 минг гектарга экилган бўлса, 2001 йили 26 минг гектарга экиш режалаштирилди. "Оқдарё-6" ғўзаси 30 минг гектардан 97 минг гектарга кўпаядиган бўлди. Ўтган йили "Бухоро-6" нави 120 минг гектарга экилиб, амалдаги ғўза навлари ичида кўп ҳосил берди. Шунинг учун бу йил уни 237 минг гектарга кенгайтириш кўзда тутилган. Мазкур ғўза навининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг илдиз тизилмаси бошқа навларга нисбатан бақувватдир. Сувсизлик шароитида ҳам унинг илдизи ўсимликнинг ер усти қисмини тўла сув билан таъминлайди. Ғўза метоболизми жараёни жуда кам даражада издан чиқади ва ўзга навларга нисбатан ўзида кўпроқ кўсак сақлайди. 2000 йилги маълумотларга назар ташласак, сувсизлик шароитида мазкур навлардан ўртача 20-25, Бухоро-6 навидан эса 27 центнердан ҳосил олинди.

Жорий йилда "Тошкент-6", "АН-402", "Армуғон", "С-6524", "Оққўрғон-2" каби ўрта толали, "Термиз-31" сингари ингичка толали тезпишар навларнинг экин майдони икки мартадан кўпроққа кенгаяди. Ташқи бозор талабларига мос келмайдиган ғўза навлари майдони кескин қисқаради.

"Фарғона-3" навининг жаҳон бозори талабларига тола кўрсаткичлари бўйича тўғри келмаслиги учун унинг майдони уч мартадан ортиқроққа қисқаради. "С-9070" ғўза навининг тола чиқими пастлиги боис, экилиши икки баробарга камаяди. Шунингдек, янги истиқболли навлар рақобатга бардош беролмаганлиги боис "Наманган-77", "Шароф-75", "Хоразм-126", "Фарғона-5" ғўза навларининг экин майдонлари ҳам ўтган йилгига нисбатан 1,5-3 мартага қисқариши кўзда тутилмоқда.

Интенсив ғўза навларини яратиш ҳозирги замон селекциясининг стратегик йўналишидир. Мамлакатимиз шароитига мос маҳсулдор навлар яратишда ҳар томонлама профессионал ёндашиш тақозо этилади.

Илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш тажрибалари шуни кўрсатадики, навни тўғри танлаш, унинг агротехникавий хусусиятларини ҳисобга олиб, мўл ҳосил етиштиришда минтақаларнинг табиий-иқлим шароити билан ҳам ҳисоблашиш керак. Ғўза иссиқсевар, қисқа кун ўсимлигидир. Демоқчи бўлганимиз, фақат ҳаво ҳароратигина ҳосил миқдорини таъминламайди. Балки, ўзининг биологик хусусиятига кўра узун кунда кеч ва ўртапишар навлар ҳосилдорлиги кескин камаяди. Эртапишар навлар узун кунда камроқ ўзгаради. Шунинг учун юқори ҳосил етиштириш борасида ўрта толали ва ингичка толали навларни 15 апрел кунигача экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур муддатда экилган чигитнинг дастлабки ривожланиши қисқа кунга тўғри келади. Натижада, навнинг ирсий имкониятлари рўёбга чиқишига имкон яратилади.

Кечки муддатларда, масалан, 20 апрелдан сўнг чигит экилганда ёки қайта экишда ўтатезпишар ва тезпишар ғўза навлари экилса яхши бўлади. Чунки, бу навлар куннинг узунлигидан кам таъсирланади. Турли ғўза навлари хусусиятларини ҳисобга олиш мева тугиш жараёнини бошқариш ҳамда юқори натижага эришиш имконини беради.

**Р.НАЗАРОВ,**
**Ш.НУРМАТОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари докторлари.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# НОНИНИ ТОПТАГАН НОМИНИ ТОПТАЙДИ

***Қадимдан "нон" сўзи билан "ҳаёт" сўзи ёнма-ён турган. Нонни қуёшга ўхшатадилар. Чунки нон бор жойда тинчлик, саховат, ёруғлик, соғлик бор.***

Ўзбекистон истиқлолга етишган илк йиллардан бошлаб, дон мустақиллигига эришишга ҳаракат қилди. Узоқни кўзлаб қилинган саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Бугун Ўзбекистон ўзини ўзи ғалла билан тўлиқ таъминлайдиган давлатлар қаторидан ўрин олди.

Албатта, бунга осонлик билан эришилмаётир. Бунинг замирида табиатнинг турли инжиқликларига дош бериб, тер тўкаётган деҳқоннинг машаққатли меҳнати бор. Шу қилинган меҳнатнинг самараси бўлиб, омборлар донга тўлаётир. Ўтган йилнинг кузида ҳам деҳқонларимиз яхши ният билан ерга уруғ сочдилар.

Кузнинг серёғин ва қишнинг илиқ келиши майсаларнинг баравж бўлишига ёрдам берди. Ҳа, бугунги нав-ниҳол майсалар эртанги ризқ-рўзимиз, дастурхон тўкинлиги, юрт ободлигидир.Лекин буни ҳаммамиз ҳам тўғри тушуниб, англаб етаётирмизми? Очиғини айтиш керак, баъзи бир юртдошларимиз ўзларининг тор шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, экинларнинг пайҳон қилинишига, нобудгарчиликка йўл қўйишаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш юзасидан бир қанча қарорлари чиқди. Лекин ушбу қарор ва фармонларнинг талабларини бажаришга доир ишлар етарли эмас. Шу ишга мутасадди бўлган идоралар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар кўпчилик ҳолларда зарур самара бермаётир. Оқибатда ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Айниқса, экинзорларда мол боқиш ҳоллари ҳамон учраб турганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Масалан, Чиноз туманидаги "Олмазор" жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи С.Муҳаммаджоновнинг икки бош қорамоли 0,02 сотих ерни пайҳон қилиб хўжаликка моддий зарар етказган. Шунингдек, шу тумандаги Т.Эрназаров номли хўжаликда яшовчи фуқаро И.Холбўтаевнинг бир бош қорамоли экинларни пайҳон қилиб, хўжаликка 10000 сўмлик зиён келтирди.

Ўтган йили Қуйи Чирчиқ туманидаги Беруний номли жамоа хўжалиги экинларнинг чорва ҳайвонлари томонидан пайҳон қилинишидан 66210 сўмлик моддий зарар кўрилган эди.

Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги С.Раҳимов номли ширкат хўжалигининг Мустақиллик кўчасида яшовчи фуқаро Р.Норқуловнинг икки бош қорамоли эса оз эмас, кўп эмас нақд 0,50 сотих ердаги экинларни



пайҳон қилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, "бебош" ёки қаровсиз чорва моллари экинларни пайҳон қилаётир. Албатта, бундай ҳолатларни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Аммо, масаланинг яна бир томони бор. Қишлоқда чорва моли бўлмаган хонадонни топиш қийин. Аммо, ҳали бирорта хўжаликда шахсий чорва моллари учун яйлов майдони ажратилган эмас. Албатта, бу масаланинг ўзи алоҳида мавзу. Ҳозир эса биз қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилиниши ҳолларига йўл қўйилишида шахсий чорва моллари учун яйлов йўқлиги ҳам сабаб бўлмаётирмикан, деган мушоҳадага бордик, холос.

Шу ўринда экинларнинг пайҳон қилиниши билан боғлиқ ҳолатларнинг яна бир жиҳатига эътиборни қаратсак.

Ички ишлар идоралари томонидан келтирилган маълумотларга кўра экинларнинг пайҳон қилиниши билан боғлиқ ҳолатлар асосан жамоа ва ширкат хўжаликларида содир қилинган. Бирорта фермер хўжалигида эса экинларнинг пайҳон қилинишига йўл қўйилмаган.

Демак, бундан фермер хўжалиги раҳбарлари шахсий манфаат нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўз мулкини, ўз ризқ-рўзини ўзи асрашга қаттиқ ҳаракат қилаётганлиги кўриниб турибди.

Бундан жамоа ва ширкат хўжаликларида хўжалик раҳбарларининг экинларни сақлаш муаммоларига етарли эътибор бермаётганликлари, зараркунандаликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада амалга оширмаётганликлари кўриниб турибди.

Вақти келиб ғаллага ўроқ тушганда, ҳосилнинг чўғи пастлигини кўриб афсусланиб қолмаслигимиз учун бугун буғдойзорларни қунт билан асраб-авайлашимиз, айниқса, уларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслигимиз шарт.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**

# ҚУМДАН "ОЛТИН" ОЛАЁТГАНЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Туману вилоят кузатиб турибди: "Янги раис қандай уддаларкин?"

Пешона терлари тупроққа сингиб, йўқ бўлиб кетмайди, хирмон бўлиб унади. Олти ой ўтар-ўтмас меҳнат кўзга яққол ташланди. Хўжалик республикада биринчи бўлиб, ғалла режасини бажарди. Табриклар ёғилди. Деҳқонларнинг кўнгли роса кўтарилди. Кузнинг бошидаёқ пахта режаси ҳам республикада биринчилар қаторида уддаланди...

Бояги гап: тартиб-интизом... Авваллари, хўжаликнинг тумандан олган минг тонналаб ўғитидан бир ҳовучгина далага етиб борарди. Кўпи йўл-йўлакай "ғойиб" бўларди. Раис бунга чек қўйди. Омонхон Аҳадовнинг такрор ва такрор айтадиган бир гапи бор: "Ерни алдаган, давлатни, ўзини алдайди, элини алдайди ва юзи шувут бўлади". Интизом интизом-да: ўғит йўлда "йўқолмай" тўла далага етиб борди. Ер озуқага тўйди. Бошоқларни кўрсангиз. Айримларида 120 тагача дон санайсиз.

Хўжалик қарорида турди: доннинг режадан ортиғи деҳқонга берилди. Деҳқоннинг уйи буғдойга тўлди. "Бу раис ҳам алдайди" деганлар тилини тишлаб қолди. Ҳақиқий ишлаганларнинг дастурхонида оппоқ нон, қозони тўла мой. "Ҳа, энди бир йил тасодиф бўлганда, табиат яхши келганда" дейдиганлар ҳам топилди. Асло. Мана, 4 йилдан бери "Халқобод" ширкат хўжалиги вилояту республикада биринчи!

Узоққа бормайлик. 2000 йилда чўл-қум шароитида ҳар гектар ердан 38 центнердан ғалла, 30 центнердан пахта олинди, 200 миллион сўмга яқин даромад қилинди. Соф фойда 14 миллиондан ошаётир. Каналнинг нарёғидаги хўжаликларда буғдойнинг ҳосилдорлиги 18-23 центнерда қолиб кетди. Шундай пайтда ўйлайсиз, ҳамма гап кадрда экан-да! "Чўкаётган" жамоа Омонхон Аҳадов келиши билан иқтисоди бақувват хўжаликка айланди. Гоҳ хаёлга толасиз, 4-5 йилдан бери "аравасини" тортолмаётган ширкатлар, жамоалар раисларини нега ҳокимлар "эркалатиб" юришади? Балки уларнинг ўрни бошқа жойдадир? Ё сиз-биз билмаган сирлар бормикан?

"Халқобод"га қайтайлик.

Абдурасул Раимназаров Омонхон Аҳадовни қойил қолдирган бир жамоанинг бошлиғи. Экиннинг дилини ҳам, тилини ҳам билади. Бир йили бутун Сурхондарё бўйича буғдойга "занг" тушди. Бошоқлаётган ғалла хазонга айланаётир. Раимназаров дорисини топиб келди. Қўшни хўжаликлар гектарига 16-17 центнердан, Абдурасулбойнинг бўлими 42 центнердан ҳосил кўтарди. Ўтган йили пудратчи Олим Мўминов 10 тоннага яқин буғдойни уйига тўкди. Қандини урсин! Пудратчи Нурмамат Эшназаров 6 тонна дон олди. Режадан зиёди - ўзиники! Деҳқоннинг ойлигини ҳисоблаб олаверинг – ўртача 12-15 минг сўмдан. Ахир Сурхондарёда бир кило буғдойнинг нархи 115-120 сўм. Яна бунинг устига пахтадан келадиган даромад.

Олдинги раислар даврида тракторчиларнинг "...кўланкаси майдон" эди. "Бу запчастни ўзим сотиб олганман. Бунисини ҳам ўзим қўйганман. Вообще, трактор ўзимники! Нима дейсиз?" дейишарди кариллаб. Булар энди эски гап. Ҳозир барча эҳтиёт қисмларни хўжаликнинг ўзи топади. Трактор – жамоаники! Қолаверса, бу йил яна 4 та ТТЗ-80 янги трактори сотиб олинди.

Кўз билан кўрганга нима етсин! Тракторчи Эшқобил Саидкуловнинг уйига бирров кириб ўтдик. Ҳавасингиз келади. 10 дақиқа ичида тарвуздан ёнғоққача, майиздан аноргача, оппоқ нондан олмагача дастурхонга қўйилди. Булар сира муболаға эмас, булар – интизомнинг, адолатнинг, ташкилотчиликнинг тотли меваси!

Икки оғиз сўз - "Халқобод"нинг оғир заҳмати ҳақида.

Сув уч марта насосдан насосга кўтарилади. Насос ҳар тўхтаганида ариқдаги сув бир марта "ўлади", экин эса минг марта "ўлиб", минг марта "тирилади". Айрим далаларга сув 8-10 соатдан сўнг етиб боради. Ўтган йилдагидай қурғоқчилик бўлса, деҳқоннинг аҳволини кўриб, йиғлаб юборасиз. Насос ўз номи билан "носоз". У бузилиб туради. Қўшни хўжаликларга яхши. Улар қуйида. Қувур очилиши билан оқма сув далага "чопади". "Халқобод"да бир метр ердаги экин ҳам оқма сув ичмайди. 1705 гектар ердаги экинлар 28 та насосга "тақдир"ини боғлаган.

Ғалла етиштиришнинг қийинчилигини айтмайсизми?! Дон унаётган далаларга минг-минглаб қарғалар ёпирилади. Озгина қаровсиз қолса, тамом! Бу ерлар дашту адирлик. Кучли шамол эсади. Гоҳо бутун эгатларни кўмиб, текислаб ташлайди. Чўл чумолилари ҳам офат. Миллионлаб чумолилар экилган донни инларига ташийди. Қарамасангиз, гектарлаб ерни "тозалаб" қўяди. Излаб уруғни ҳам тополмайсиз. Баҳор бошланиши билан бегона ўт чиқади. Бир туп бегона ўт 30 туп буғдойнинг озуқасини "ютади"...

Бу ерларнинг машаққати кўп, азоби мўл. Аммо "Халқобод" бу сарқашликларни енга оляпти, ғолиб бўляпти. Эл раисини топди, раис эса элга суянди. Омонхон Аҳадов фақат режани ўйлайдиган раҳбар эмас. Хўжаликда спортнинг ҳамма турига шароит яратилган. Футбол бўйича-ку вилоятда биринчиликни олди. Ўтган йили ўнлаб деҳқонлар турли сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклаб қайтишди. Бир гуруҳ илғорлар Самарқанду Бухорога томошага борди. Автобусу йўлланма – хўжалик ҳисобидан.

Айтаверсак гап кўп... Мухтасари шуки, Омонхон Аҳадов эл билан бир жону бир тан бўлиб, қумни "олтин"га айлантираётир. Раис хурсанд, эл шод. "Халқобод" эса обод. Бундай элга тасанно!

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҲАЗРАТ ҚИЗБИБИ

(Боши 1-бетда)

Ҳазрат Қизбиби Қуръони Карим оятларига, Пайғамбаримиз ҳадисларига риоя қилганлар. Молу давлатларини дину диёнат йўлида сарфлаб, одамларни тарбия қилганлар.

Собиқ Иттифоқ даврида Ислом хотин-қизларга паст назар билан қараган, деган ақида ҳукмрон эди. Хўш, ўтмишда хотин-қизлар камситилганда эди, Бухоройи шарифда Биби Зудмурод, Биби Маъсумаи пок, Биби Мушкулкушой, Биби Хонум, Қирққиз, Модарихон, Волидаихон, Волидаи Абдулазизхон, Ойбинок ва бошқа юзлаб обида, қадамжо, масжид, хонақоҳ, зиёратгоҳлар хотин-қизлар номига қўйилиб, табаррук ҳисобланармиди? Бу зиёратгоҳлар билан боғлиқ ривоят, ҳикоятлар эса тилдан тилга, дилдан дилга кўчиб, бутун бир авлодни неклигу поклик, иффату ҳаё, сабру қаноатга даъват этган.

Халқнинг оғзида бир ривоят бор. Лекин бу ривоят асослими ёхуд?..

Нақл этилишича, Ҳазрат Мир Араб бир масалани ечишда ожиз қоладилар ва бу муаммо ечимини Қизбибидан сўрайдилар. Қизбиби дарҳол муаммони ҳал қилиб беради. Шундан сўнг Мир Араб совчи юбориб Қизбибини ўз никоҳларига олмоқчи бўлади. Лекин Қизбиби совчиларга "Шогирд устодга совчи юбормайди!" дейдилар. Мир Араб иккинчи бор совчи юбориб: "Ишқда шоҳу гадо, шогирду устод баробардир!" дейдилар. Шунда Қизбиби: "Эй воҳ! Устодингиз жанозасига шошилинг!" дебдилар. Совчилар келса, Мир Араб бандаликни бажо келтирган эмишлар.

Лекин тарихий далиллар, ҳужжатлар ушбу нақлнинг нотўғри эканлигини кўрсатаётир. Мир Араб ҳазратлари Ҳазрат Хожа Аҳрори Валийнинг шогирдлари бўлиб, асли исмлари Абдуллоҳ Яманийдир. 22 ёшарликларида Аллоҳ ишқи йўлида Яманни, тожу тахтни тарк қилиб, Самарқандга келадилар ва Хожа Аҳрорга мурид бўлиб, пири муршид даражасига етадилар. Бу зоти шариф шайбонийзодалардан ҳисобланган Убайдуллохоннинг маънавий пири устоди бўлган. Ҳазрат Мир Араб сайъ-ҳаракатлари билан Шофиркон, Ғиждувонда Султонхон рўди қазилган, кўплаб боғлар, кўприклар қурилган. Бухорода Масжиди Калон рўпарасида Мир Араб номли мадраса ҳам бино этилгандир.

Мир Арабнинг тарих олдидаги улкан хизматларидан яна бири шуки, 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий буйруғига мувофиқ Нажми Соний бошлиқ 80 минг қизилбошлар Амударёдан ўтиб Мовароуннаҳрга ҳужум қилганда, Мир Араб Убайдуллохонни ва бутун аҳолини душманга қарши жангга ўзлари бошлаб боради. Мир Араб дуолари ва сайъ-ҳаракатлари шарофатидан босқинчилар тор-мор этилади. Шофирконда Мир Араб қалъалари, қадамжолари бор.

Ҳазрат Мир Араб 1536 йилда марҳум бўлганлар, у кишининг жасадлари ўзлари қурдирган Мир Араб мадрасасида кўмилган. Убайдуллохон жасади эса Мир Арабнинг оёқ томонларидадир.

Хўш, Оғойи Бузруг – Қизбиби 1523 йил марҳум бўлганлар, Мир Араб эса ўн уч йил кейин, яъни 1536 йил вафот қилган бўлсалар, бу саналарнинг бир-бири билан қиёсласак, юқоридаги ривоят ёлғон, беасос эканлиги аён бўлади.

Яқинда олмониялик олимлар Аннамарин Шимел, шунингдек, Нақшбандий Мариям Дангар Шатс Бухоройи шарифга келиб, Оғойи Бузруг мозорларини зиёрат қилдилар. Бу алломалар ўз тадқиқотларида: "Биз шарқ авлиёлари, аёллари, аллома, фозиллари изидан боришни, улардай яшаб, улардай фаолият кўрсатишни орзу қиламиз. Шарқ аёли бизнинг орзуимиздир. Иффату поклик, оилавий вафо, фарзанд тарбияси, хулқу одоб Шарқ аёлларида бор. Оврўпо маънавий инқирозни ўз бошидан ўтказаётир. Ўзаро ҳурмат, вафо, садоқат, фидойилик, меҳру мурувват ўрнида худбинлик, ҳирс, фаҳшаҳри, зино, бешафқатлик ҳукмрон бўлаётир.

Биз учун Оғойи Бузруг, Нодира, Зебунисо, Биби Маъсумапок ва бошқа аёлларнинг ҳаёт йўли ибрат, намунадир" деб ёзганлар.

Мустақиллик шарофатидан Қизбиби зиёратгоҳлари таъмирланди. Жомеъ масжидида намоз ўқилаётир, зиёратчилар бемалол ташриф буюраётир.

**Ҳожи Садриддин Салим БУХОРИЙ**



**Оройиш.**

Б.АКРАМОВ сурат-лавҳаси

# ЯНА ИККИ КОЛЛЕЖ

ТАЪЛИМ

***Ҳозир вилоятда 2 та академик лицей ва 8 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Коллежлар қаторига яна 2 та қўшилди.***

**Янгиер шаҳрида фаолият кўрсатиб турган қурилиш техникуми қурилиш-иқтисод коллежига айлантирилди ва техникум биноси замонавий талаблар асосида қайта таъмирланди. Бу ишга 593 миллион сўм сарфланди. 110 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари харид қилинди. Коллеж 900 нафар ўқувчига олти турда касб-ҳунар ўргатади.**

**Сирдарё педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчиларга бошланғич таълим, жисмоний тарбия, мусиқа мураббийларини ва бухгалтерия мутахассисларини тайёрлаб беради. Педагогика билим юрти базасида ташкил этилган мазкур коллеж биноси жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада қайта таъмир қилинди. Янги ошхона, спорт зали ва бошқа зарур бўлган қўшимча бинолар қурилди.**

**Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ишга тушган иккала касб-ҳунар коллежига шу йилнинг биринчи чорагида Жанубий Корея томонидан ажратилган кредит ҳисобидан 1,2 миллион АҚШ долларига тенг ўқув жиҳозлари келтирилади.**

**О.СУЛТОНОВ.**

ЯНГИ ФИЛЬМ

# "АБУ ҲАФС КАБИР"

***Садриддин Айний номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри ижодий жамоаси "Ўзбектелефильм" студияси режиссёри Тожиддин Исроилов томонидан "Абу Ҳафс Кабир" бадиий фильмида фаол қатнашди.***

Томошабинни эзгуликка, диёнатга даъват этувчи "Имом ал-Бухорий", "Лафз" каби фильмларни яратишга ҳомийлик қилган санъатсевар тадбиркор Улуғбекҳожи Абдуллаев эмакдошлигида тасмага кўчирилган янги асар сценарийсини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов ҳамда тасаввуфшунос олим ва шоир Садриддин Салим Бухорий ёзишган. Халқ ўртасида Имом Ҳожатбарор номи билан танилган, исломнинг ҳанафия мазҳабини тарғиб этиш ва қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшган, шариат ҳуқуқ-меъёрларини назарий жиҳатдан асослаб, уларни тартибга солган забардаст фақиҳ Абу Ҳафс Кабир (милодий 762-832 йиллар) янги фильмнинг бош қаҳрамонидир. Бош ролни Шамсиддин Йўллиев ўйнаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фильм режиссёри ва бошқа ижодкорлар билан ҳамкорликда олимнинг илоҳиёт фани тараққиётидаги буюк хизматларини, она-юрти Бухорои Шариф "Қуббат-ул-ислом" ("Ислом динининг гумбази") деган улуғ номга сазовор бўлганини бадиий воситалар ёрдамида очиб беришга ҳаракат қилган.

**Дилмурод ЖАББОР,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# "КИМ КЎРДИ ЭКИН..."

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 560 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

***Қанчалар ширин бўлмасин, ҳаёт фақат яхшиликлардангина иборат эмас. Дунё яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш асосида қурилгандек. Адабиёт ҳаётни акс эттирар экан, жаҳонга инсон кўзи билан боқади.***

Инсон эса табиатан ўта мураккаб ҳилқат. Яшашнинг ўзи ҳам осон кечаверадиган нарса эмас. Умр гоҳ хуш, гоҳ нохуш кайфиятлар гирдобида ўтади. Ҳаётнинг бу жиҳатларини жуда нозик туйғулар орқали қалбан ҳис этадиган шоирларни яхшилик ва ёмонликка муносабат кўпроқ қизиқтиради. Инсонда нафс бор экан, у нимадандир тамагир бўлаверади. Тама эса уни ёмонликлар сари етаклайверади. Дунёда яхшиликнинг уруғи қанча кам бўлса, ёмонликнинг уруғи шунча кўп.

Хўш, нега шундай?

Навоийни ана шу савол қийнайди. Рубоий шу дард билан битилган:

**Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлук,**
**То бир киши айлагай таманно хушлук?!**
**Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлук,**
**Омодадурур ёнида юз нохушлук.**

Рубоийнинг мазмунини тушуниб олиш қийин эмас. Бу жаҳонда яхшилик кўрган киши бормикан? Яхшилик қиламан, деб ният айлаган бирон кимса топилармикан? Ахир, агар юз йилда бир яхшилик пайдо бўлса, кетидан юз ёмонлик келадику?

Шоир тўғридан-тўғри насиҳат қилаётгани йўқ. Рубоийда китобхонга хитоб ҳам кўринмайди. Лекин, зимдан сезилиб турибдики, яхшилик – ўта ноёб нарса. Демак, уни бағоят қадрлаш керак. Одамлардан яхшилик кутиб, умидвор бўлиб ҳам юрманг. Бировлардан ёмонликлар кўрсангиз, дунё ўзи шундай тузилганини эсдан чиқарманг. Ҳаёт қандай бўлса, уни шундайича қабул қилиш, шундайича сева олиш керак...

Шоир гоҳида шунга ўхшаш кайфиятларини ҳам рубоийга солиб баён этади. Аниқроғи, Аллоҳга етиш йўлига кирган ошиқ учун бундан яхши йўл йўқ. Бошқа бир рубоийда айтилганидек, чин ошиқ жамиятнинг бу каби абадий муаммоларини унутиши керак:

**Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни унут,**
**Яхшию ямон ишда тахаллуфни унут.**
**Ўткан гар эрур ямон – таассуфни унут,**
**Келган эрур яхши – тасарруфни унут.**

Умуман, ҳаётда яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён – ўзаро курашиб яшайди. Бу кураш ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ киши кўнглида кечади. Кўнгли яхшиликка мойил одамлар эса ёмонликдан ҳазар қиладилар.

Навоий рубоийнинг энг юксак талабларга жавоб берадиган намуналарини яратди. Демак, у фақат миқдор эмас, сифату савия, яъни бадиият жиҳатидан ҳам энг буюк туркий рубоийнавис бўлиб қолди. Рубоийни шеъриятимиздаги биринчи даражали жанрлар қаторига олиб чиқди.

Навоий форсий рубоийнависликнинг барча муҳим хусусиятларини ўзбек адабиётига олиб кириш билан бирга, умуман, жанр тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Шоир рубоийлари бадиий жозибадорлиги, ҳаётий масалаларни ўртага қўйиши, фалсафий мушоҳадалар маҳсули экани, муайян ҳис-туйғу ва ўй-фикрни фавқулодда таъсирчан қилиб ифодалаши билан ажралиб туради.

Навоий рубоийлари бугун ҳам севиб ўқилади. Уларнинг айримлари халқимиз орасида ёд бўлиб кетган.

**С.ОЛИМОВ**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ҚИЗИҚ ЎЙИН

***Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бу йил ўзининг ўқув машғулотларини Исроилда ўтказмоқда.***

Шу муносабат билан Хайфадаги Ави Рам стадионида ҳамюртларимиз Москванинг "Спартак" жамоасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказишди. Қизиғи, терма жамоамизнинг асосий ҳужумчиси Ж.Ирисметов ушбу учрашувда иккала жамоа таркибида ҳам тўп сурди. У 1-таймда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган бўлса, 2-таймда ўзининг бўлажак жамоаси учун майдонга тушди.

Ўйин эса, 2-3 ҳисоби билан спартакчилар фойдасига ҳал бўлди.

## "ЮВЕНТУС" БАРИБИР ҒОЛИБ

***Футбол бўйича Италия миллий биринчилиги А сериясида навбатдаги 14-тур мусобақалари бўлиб ўтди.***

Турнир пешқадами "Ювентус" ўз майдонида "Болонья" жамоасини қабул қилди. Бугунги кунда турнир жадвалининг ўртасида бораётган "Болонья" номдор рақибига мазкур учрашувни 0-1 ҳисобида бой бериб қўйди.

## БОШ СОВРИН БИЗДА

***Россиянинг Северск шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Марат Жумаев ажойиб ютуқларга эришди.***

Истеъдодли шахматчи 16 нафар иштирокчи орасида 12,5 очко билан халқаро гроссмейстерлик талабини бажариб, бош совринни қўлга киритди.

Ҳиндистонда бўлиб ўтаётган Мин Лен Ин Кап халқаро футбол турнирида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Юртимиз олимпия терма жамоаси вакиллари ҳам 4-гуруҳда ўзларининг иккинчи учрашувларини ниҳоясига етказишди. Улар Япония талабалар терма жамоасига қарши тўп суришиб, 2-0 ҳисобида ўйинни бой беришди. Шундай мағлубиятларга қарамай, юртдошларимиз 4-гуруҳда 3 очко билан 2-ўринни эгаллаб туришибди. Японияликлар ҳисобида ҳам 3 очко бор, лекин улар тўплар нисбатига кўра 3-ўринда боришмоқда.

**О.ҲАЙИТОВ тайёрлади.**

"Кимёқишлоқмаш" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тақдим этади

Ўзбекистон ва Италия давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган "Сульфатор" пуркагичи



Пуркагич техника ва полиз экинлари, боғ ва токзорларни зарарли ҳашаротлардан сақлашда уларга кимёвий препаратлар билан ишлов беришга мослашган.
Заҳарли химикатларни кукунли ҳолда пуркаш ҳам мумкин.
У энг қулай ва замонавий ускуна ҳисобланади.

Мухтарам фермерлар, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари!
"Кимёқишлоқмаш" агрегатларидан фойдаланинг!
Арзон нархлар, сифатли ускуналар!



Вентиляторли ОВХ - 600 пуркагичи

Пуркагич пахта майдонларини дефолиация қилишга мослашган.
Ундан йўл четларидаги ўт-ўланларни, бутазор ва дарахтларни дорилашда ҳам фойдаланилади.
ОВХ-600 агрегати МТЗ-80Х, Т-28Х4М, ТТЗ-100К11 тракторларига тақиб ишлатилади.
ОВХ-600 агрегатининг бак сиғими 630 литр.

Ташриф буюринг ёки қўнғироқ қилинг:
Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 54.
Тел. 56-58-37,
Факс: 55-68-11

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбекипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

Телефонлар: Қабулхона - **133-09-93 - 133-40-87** (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27, 133-44-43**, котибият — **136-56-26**. Ижодий гуруҳлар: **136-56-21, 136-56-25, 136-54-42**, реклама ва эълонлар — **136-56-30**.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - **8-361-58-519-58**; Андижон - **8-374-2-25-32-23**; Бухоро - **8-365-22-648-22**; Жиззах - **8-372-33-553-59**; Навоий - **8-436-22-588-56**; Наманган, Фарғона - **8-369-22-652-10**; Самарқанд - **8-366-64-615-37**; Сурхондарё - **8-376-46-526-61**; Тошкент, Сирдарё - **8-371-136-56-21**; Хоразм - **8-362-22-640-80**; Қашқадарё - **8-375-22-517-65**.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**

**Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади**

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.**

**Навбатчи:** Ш.КАРИМОВ.

**Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00** 1 2 3 3 4 6.